

МЕҲМОНХОНАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ**ВА АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ****Фаррух Абдусаматов****Жиззах давлат педагогика, университети тадқиқотчиси**

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш стратегик масалалардан бири ҳисобланади. Чунки туризм хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Туризмни ривожланиши эса зарурий инфратузилмани шакллантиришни тақозо этади. Бундай инфратузилма таркибида меҳмонхоналарни ҳам киритиш мумкин. Меҳмонхона мамалакатнинг ташриф қоғози ҳисобланади. Бундай хизмат тури туристик объектларга сайёҳларнинг келиши ва кетишига таъсир қиладиган омиллардан биридир. Меҳмонхоналар фаолиятини яхшиланиши туризм соҳасидаги ислохотлар билан бирга кечди. Иккита хизматкўрсатиш тармоғини бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Ислохотларнинг янги босқичида туризм соҳасига берилаётган эътибор, аввало ҳорижлик ва маҳаллий сайёҳлар учун яратилаётган шароитларда яққол кўринади. Сайёҳлар оқимининг кескин ошганлиги янгидан-янги меҳмонхоналар куриш ва жаҳон андозаларига мос хизматларни йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Биргина Хива шаҳрида 2017-2021 йилларда меҳмонхоналар сони икки баравар кўпайиб, ўттиздан ошиб кетди. Хива шаҳрида “Лахишам”, “Шаҳрисабз саёҳат”, “Хива Шаҳризода”, “Султон палас отель” МЧЖлар, шунингдек “Аква парк океан” оилавий корхонаси, “Пеари Хива” унитар корхонаси ҳамда “Мақсудбек” ХТЧФларга қарашли меҳмонхоналарда курилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. 2021 йил охиригача Хивада янгидан 20та меҳмонхона иш бошлаши белгиланди¹.

Биз меҳмонхоналар, умуман туризм учун синов бўлган йилларни таҳлил қиламиз. 2019 йил якунларига кўра сайёҳ сифатида кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони 12932,6 минг кишини ташкил этади. Кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий сонидан 95,2 % МДХ мамлакатларига, 4,8 % узоқ хорижий давлатларига кетган. Ўзбекистонга кириб келган хорижий давлат фуқаролари сони 8279,0 минг кишини ташкил этди. Уларнинг 92,5 % МДХ давлатларидан, 7,5 % узоқ хорижий давлатлардан ташриф буюрган². 2020 йил якунларига кўра туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони 2001,5 минг кишини ташкил этади. Кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий сонидан 92,1 % и МДХ мамлакатларига, 7,9 % и узоқ хорижий давлатларига кетган. Ўзбекистонга туристик мақсадларда кириб келган хорижий давлат фуқаролари сони 1504,1 минг

¹ Хивада яна 20 меҳмонхона фаолият бошлайди // <https://yuz.uz/news/xivada-yana--20--mehmonxona-faoliyat-boshlaydi>

² Основные показатели развития туризма и отдыха в Республике Узбекистан ЗА 2019 году. –Т., 2020. –С. 3.

кишини ташкил этди. Уларнинг 94,4 % и МДХ давлатларидан, 5,6 % и узоқ хорижий давлатлардан ташриф буюрган³. 2021 йил яқунлариига кўра туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони 2194,8 минг кишини ташкил этади. Кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий сонидан 85,4 % и МДХ мамлакатларига, 14,6 % и узоқ хорижий давлатларига кетган. Ўзбекистонга туристик мақсадларда кириб келган хорижий давлат фуқаролари сони 1881,3 минг кишини ташкил этди. Уларнинг 91,1 % и МДХ давлатларидан, 8,9 % и узоқ хорижий давлатлардан ташриф буюрган⁴.

2019 йилда сайёҳлик фаолияти билан шуғулланадиган фирма ва ташкилотлар сони 517 тани ташкил этади, уларнинг энг катта улуши Тошкент шаҳрига – 64,2 % ва Самарқанд вилоятига — 13,2 % тўғри келди. Саёҳлик агентликлари томонидан хизмат кўрсатилганлар сони 942,0 минг кишини ташкил этди⁵. 2020 йилда сайёҳлик фаолияти билан шуғулланадиган фирма ва ташкилотлар сони 337 тани ташкил этади, уларнинг энг катта улуши Тошкент шаҳрига – 68,0 % ва Самарқанд вилоятига – 13,4 % тўғри келди. Саёҳлик агентликлари томонидан хизмат кўрсатилганлар сони 212,3 минг кишини ташкил этди⁶. 2021 йилда сайёҳлик фаолияти билан шуғулланадиган фирма ва ташкилотлар сони 288 тани ташкил этади, уларнинг энг катта улуши Тошкент шаҳрига – 61,8 % ва Самарқанд вилоятига – 14,2 % тўғри келди. Саёҳлик агентликлари томонидан хизмат кўрсатилганлар сони 577,8 минг кишини ташкил этди⁷.

2019 йилда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони — 1051 та, ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари объектлари сони — 509 та, индивидуал жойлаштириш воситалари объектлари сони — 155 та, шунингдек 78 та бошқа жойлаштириш воситалари мавжуд. 2020 йилда Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони - 1156 та, ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари объектлари сони - 494 та, индивидуал жойлаштириш воситалари объектлари сони - 189 та, шунингдек 103 та бошқа жойлаштириш воситалари мавжуд. 2021 йилда меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони – 848 та, ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари объектлари сони — 328 та, индивидуал жойлаштириш воситалари объектлари сони — 157 та, шунингдек 83 та бошқа жойлаштириш воситалари мавжуд.

2019 йилда жами 928 та меҳмонхона объектлари мавжуд бўлиб, улардан: 272 таси 1 юлдузли, 27 таси 2 юлдузли, 81 таси 3 юлдузли, 19 таси 4 юлдузли, 4 таси 5 юлдузли.

³ 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Т., 2021. –Б. 3.

⁴ Основные показатели развития туризма и отдыха в Республике Узбекистан ЗА 2019 году. –Т., 2022. –С. 4.

⁵ Основные показатели развития туризма и отдыха в Республике Узбекистан ЗА 2019 году. –Т., 2020. –С. 3.

⁶ 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Т., 2021. –Б. 3.

⁷ Основные показатели развития туризма и отдыха в Республике Узбекистан ЗА 2019 году. –Т., 2022. –С. 4.

Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида 23528 номер, 46671 жойлар мавжуд. Уларда жойлаштирилган шахслар 2193,4 минг нафарни ташкил этди. Жойлаштирилган шахсларнинг 1099,2 минг нафари Ўзбекистон фуқаролари, 1094,2 минг нафари эса хорижий давлат фуқаролари ташкил этади. Тунаб қолишлар эса 4838,9 минг бирликни ташкил этди⁸. 2020 йилда Жами 1005 та меҳмонхона объектлари мавжуд бўлиб, улардан: 242 таси 1 юлдузли, 46 таси 2 юлдузли, 87 таси 3 юлдузли, 20 таси 4 юлдузли, 5 таси 5 юлдузли. Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида 25584 номер, 50408 жойлар мавжуд. Уларда жойлаштирилган шахслар 702,8 минг нафарни ташкил этди. Жойлаштирилган шахсларнинг 560,3 минг нафари Ўзбекистон фуқаролари, 142,5 минг нафари эса хорижий давлат фуқаролари ташкил этади. Тунаб қолишлар эса 1758,9 минг бирликни ташкил этди⁹. 2021 йилда жами 797 та меҳмонхона объектлари мавжуд бўлиб, улардан: 155 таси 1 юлдузли, 28 таси 2 юлдузли, 69 таси 3 юлдузли, 13 таси 4 юлдузли, 2 таси 5 юлдузли. Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида 21814 номер, 43504 жойлар мавжуд. Уларда жойлаштирилган шахслар 1217,0 минг нафарни ташкил этди. Жойлаштирилган шахсларнинг 885,7 минг нафари Ўзбекистон фуқаролари, 313,3 минг нафари эса хорижий давлат фуқаролари ташкил этади. Тунаб қолишлар эса 2584,0 минг бирликни ташкил этди¹⁰.

2019 йилда ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларида 16615 номер, 61584 жойлар мавжуд эди. Уларда жойлаштирилган шахслар 807,1 минг нафарни ташкил этди. Жойлаштирилган шахсларнинг 772,3 минг нафари Ўзбекистон фуқаролари, 34,9 минг нафари эса хорижий давлат фуқаролари ташкил этади. Тунаб қолишлар эса 6537,6 минг бирликни ташкил этди¹¹. 2020 йилда Ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларида 16488 номер, 57875 жойлар мавжуд эди. Уларда жойлаштирилган шахслар 285,6 минг нафарни ташкил этди. Жойлаштирилган шахсларнинг 277,5 минг нафари Ўзбекистон фуқаролари, 8,1 минг нафари эса хорижий давлат фуқаролари ташкил этади. Тунаб қолишлар эса 2947,4 минг бирликни ташкил этди¹². 2021 йилда ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларида 13445 номер, 99466 жойлар мавжуд эди. Уларда жойлаштирилган шахслар 671,7 минг нафарни ташкил этди. Жойлаштирилган шахсларнинг 655,2 минг нафари Ўзбекистон фуқаролари, 16,5 минг нафари эса хорижий

⁸ Основные показатели развития туризма и отдыха в Республике Узбекистан ЗА 2019 году. –Т., 2020. –С. 4.

⁹ 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Т., 2021. –Б. 4.

¹⁰ Основные показатели развития туризма и отдыха в Республике Узбекистан ЗА 2019 году. –Т., 2022. –С. 5.

¹¹ Основные показатели развития туризма и отдыха в Республике Узбекистан ЗА 2019 году. –Т., 2020. –С. 3-4.

¹² 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Т., 2021. –Б. 4.

давлат фуқаролари ташкил этади. Тунаб қолишлар эса 4448,0 минг бирликни ташкил этди¹³.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, меҳмонхоналарнинг ривожланиш динамикаси ўзгариб турган. Асосан пандемия туфайли сайёҳлар оқими кескин камайи кетди. Шунини ҳисобидан меҳмонхоналарнинг ривожланиши ва хизмат кўрсатиш соҳалари оғир ҳолатга тушиб қолди. Пандемия туфайли тикланиш даври 2020 йилнинг октябр-ноябр ойларида бошланди. Биринчи навбатда асосан маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатувчи кичик, арзон меҳмонхоналар бизнесга қайтиб, тўлиқ ҳажмда ишлашга ҳаракат қилди. Чунки айнан шу даврда ички туризм ҳам аста-секин ўзига кела бошлади. Шу пайтгача зарарга ишлаган меҳмонхоналар дастлаб харажатларини қоплай бошлади, 2021 бошидан эса улар аста-секин фойдага кирди. Асосан катта меҳмонхоналар кўп зарар кўрди. Қайси меҳмонхона ёпилмай, зарарга қарамай ишлаб турган бўлса, ўша тезроқ тикланиб кетди¹⁴.

Иш ўринлари бўйича катта йўқотиш бўлди. Оптимизация жараёнида меҳмонхоналар иложсизликдан малакали мутахассислар билан ҳам хайрлашишга мажбур бўлишди. Пандемияга қадар 100 киши ишлаётган бўлса, айни пайтда 60-70 киши ишламоқда. Яъни, камида 25-30 фоиз қисқариш бўлди. Ҳатто тикланиш жараёнида ҳам иш ўринлари тўлиқ олдинги ҳолига қайтмади, чунки пандемия даврида меҳмонхоналар ходимларига бошқача талаб қўйишга мажбур бўлмоқда. Бу даврда уч киши қиладиган ишни бемалол икки киши эплаши мумкинлиги аён бўлиб қолди. Аввало давлат томонидан қатор имтиёзлар берилди. Бундан ташқари, пандемия кўшимча ғоялар яратилишига йўл очди. Аввал меҳмонхоналар ўзларининг кўшимча имкониятларига жиддий қарамаган бўлса, пандемия даврида шу жиҳатларга эътибор берилди. Масалан, ҳар бир меҳмонхона ўз бассейни, тренажер зали, спа салонлари, анжуманлар зали ва ресторанлари орқали ҳам кўшимча даромад кўриши мумкинлиги кўринди. Айниқса анжуманлар залларига талаб борган сари кўпайди¹⁵.

Хулоса қилиб айтганда, меҳмонхоналар фаолияти ҳам барқарор ривожланишига кафолат бериб бўлмайди. Ички ва ташқи туризмни ривожланиши, яъни сайёҳлар оқимининг ҳаракати меҳмонхоналарнинг сонини ошишига, хизмат кўрсатиш сифатини яхшиланишига жиддий таъсир кўрсатади. Муайян маънода меҳмонхоналар ҳам бозор қонуниятларига мослашишга мажбур. Сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсатган меҳмонхоналар даромади ҳам ошиб борди. Бу меҳмонхоналар тармоғининг истиқболини белгилаб беради.

¹³ Основные показатели развития туризма и отдыха в Республике Узбекистан ЗА 2019 году. –Т., 2022. –С. 4-5.

¹⁴ Ўзбекистонда меҳмонхоналар тизими қай даражада тиклана олди?// <https://kun.uz/news/2021/03/13/uzbekistonda-mehmonxonalar-tizimi-qay-darajada-tiklana-oldi>

¹⁵ Ўзбекистонда меҳмонхоналар тизими қай даражада тиклана олди?// <https://kun.uz/news/2021/03/13/uzbekistonda-mehmonxonalar-tizimi-qay-darajada-tiklana-oldi>